

## Қ А Р О Р

(маъмурий назорат ўрнатиш ҳақида)

2022 йил 04 март куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, шаҳар судининг судьяси Х.Куконбоевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Юлдашевнинг котиблигида, Наманган шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБ профилактика инспектори А.Маматолиповнинг иштирокида Наманган шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБ бошлиғининг муқаддам судланган Исматуллаев Хайрулло Валихоновичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Назорат остидаги шахс Исматуллаев Хайрулло Валихонович – 12.04.1975 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, “Наманган сувоқава” ДУКда чилангар, муқаддам бир неча марта оғир жиноятлар учун судланган, 05.01.2018 йилда ЖИБ Мингбулоқ туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 4 йил озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланган, 06.05.2020 йилда ЖКнинг 74-моддасига асосан 1 йил 7 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, мазкур жазодан 22.02.2022 йилда ЖКнинг 73-моддасига асосан озод этилган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, Наманган шаҳар Маданий Маориф МФЙ 1-Норин кўчаси 6-уйда яшайди.

Тақдимномада келтирилишича, Исматуллаев Хайрулло оғир жинояти учун озодликдан махрум қилиш жазосини ўтаб келиб, ўзига тўғри хулоса чиқармаган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиб келгани, жумладан, Исматуллаев Хайрулло 11.03.2021 йилда майда безорилик содир этганлиги ва ИИБ ходимининг қонуний талабини бажармаганлиги учун МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддаси 1-қисми билан, 04.03.2022 йилда белгиланмаган жойда тамаки маҳсулоти истеъмол қилганлиги учун МЖТКнинг 187-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилганлиги кўрсатилиб, Ўзбекистон Республикасининг 02.04.2019 йилдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сонли Қонунига асосан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатиш тавсия қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 02.04.2019 йилдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сонли Қонунига кўра маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асослантирилган тақдимнома судга жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган



шахсларга нисбатан - судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилгандан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида кўрилиши, асослар мавжуд бўлганда оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан махрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилиши белгиланган.

Суд Исматуллаев Хайрулло оғир жиноятлар содир этганлик учун бир неча маротаба озодликдан махрум қилишга ҳукм қилиниб, жазони ўтаб чиққанидан сўнг ҳуқуқбузарлик содир этганлигини, судланганлик ҳолати тугалланмаганлигини, шунинг билан бирга унинг фойдали меҳнат билан шуғулланаётганлигини инобатга олиб, у томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва тўлиқ тузалиш йўлига ўтишга имкон бериш мақсадида Наманган шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қисман қаноатлантириб, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатишни лозим топди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг 02.04.2019 йилдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сонли Қонуни 8-моддасини қўллаб,

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Наманган шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қисман қаноатлантирилсин.

Исматуллаев Хайрулло Валихоновичга нисбатан 6 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин ва унга ҳар ойнинг 10- ва 25-саналарида Наманган шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБдан рўйхатдан ўтиш мажбурияти юклатилсин.

Исматуллаев Хайрулло Валихоновичнинг ҳулқи устидан маъмурий назоратни олиб бориш муддати маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиққан пайтдан бошлаб ҳисобланиб, назоратни амалга ошириш Наманган шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози томонлар 10 кун муддат ичида, назорат остидаги шахс қарор нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Наманган вилоят судига шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

